

**«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» Aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining
navbatdan tashqari umumiy yigiliши ўtkazilishi tўg‘risida
XABARHOMA**

Хурматли акциядорлар!

«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJ Кузатув кенгашининг 2024 йил 29 ноябрдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 27 декабрь куни Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Навойй, 39 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри **2024 йил 23 декабрь** ҳолатига тузилади.

Кун тартиби:

1. *Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.*
2. *Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.*
3. *Жамиятнинг 2025 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий ташқи аудит текширувидан ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.*
4. *Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиб, янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида.*
5. *Жамиятнинг устав фонди миқдорини қонунчилик талабларига мувофиқлаштириш имкониятларини кўриб чиқиш тўғрисида.*
6. *Жамиятнинг “Ариа” брендидан акциядорларнинг бошқа ташкилотларда фойдаланиши билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш тўғрисида.*
7. *Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Т.Исраиловнинг кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида.*
8. *Жамият Кузатув кенгашига янги аъзони сайлаш тўғрисида.*
9. *Жамият Бош директорида бир марталик мукофот тўлаш ҳамда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари меҳнатида ҳақ, мукофот ва компенсация тўлаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.*

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Навойй, 39 уй бўйича жойлашган «ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJ нинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: info@ariainsurance.uz.

Телефон: (71) 202-88-88.

Кузатув кенгаши